

КАСБИЙ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ

Қурбонова Шохсанам Баходиржон қизи

Наманган давлат университети магистратура талабаси

Наманган, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7256025>

Annotatsiya

Ушбу мақолада касбий меҳнат фаолияти тушунчасининг моҳияти, унинг мамлакатимиз иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли таҳлил этилган.

Kalit so'zlar: Меҳнат, касб, мутахассислик, бандлик, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли

Бугунги замонавий фан-техника тараққиёти даврида Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсишга эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек жамиятимизнинг долзарб масалаларини ҳал этиш меҳнат ресурсларини сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолининг касбий кўникмаларини шакллантиришга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-366-сон Қарори[1]да Меҳнат ресурслари балансини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, ишсиз фуқароларни, айниқса, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, шунингдек, норасмий бандликни камайтириш бўйича таъсирчан янги механизмларни жорий этиш масалалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5052-сон Фармони[2]да аҳолини касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Шунингдек, ушбу фармонда бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳалигача эскирган иш шакллари ва услубларидан фойдаланилаётгани, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолаётгани, муҳим ижтимоий масала ҳисобланган олий ва ўрта махсус,

касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга юзаки ёндашув ҳолатлари учраётганлиги қайд этилган.

Ўзбекистонда 2021 йил маълумотларига кўра. жами 14980,7 минг нафар иқтисодий фаол аҳоли мавжуд. Шундан иш билан банд бўлганлар сони 13538.9 минг кишини ташкил этади.

1-жадвал


**Ўзбекистон Республикасининг меҳнат бозори ҳолати
(минг киши)[3]**

Кўрсаткичлар	2010	2015	2020	2021
Иқтисодий фаол аҳоли	12 286.6	13 767.7	14 797.4	14 980.7
Иш билан банд аҳоли	11 628.4	13 058.3	13 236.4	13 538.9
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	31 18.1	36 01.7	34 99.2	35 02.1
Саноат	16 05.7	17 68.7	18 09.5	18 83.3
Қурилиш	10 33.7	12 22.2	13 05.6	12 86.8
Савдо	12 35.6	14 13.8	14 05.4	15 37.2
Ташиш ва сақлаш	50 9.9	61 4.7	61 0.5	64 8.5
Таълим	11 02.0	11 05.3	11 58.2	11 78.3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	59 6.2	60 1.5	66 9.5	65 9.0
Бошқа турлари	24 27.2	27 30.4	27 78.5	28 43.6
<i>Иш билан банд аҳолини мулкчилик турлари бўйича тақсимлаш</i>				
Давлат сектори	24 10.2	23 41.3	24 83.1	26 09.0
Нодавлат сектори	92 18.2	10 717.0	10 753.3	10 929.9
Меҳнат идораларида рўйхатдан ўтган ишсизлар ¹⁾	16 .2	2. 7	37 .1	98 .7

Иш билан банд аҳолининг 2609,0 минг нафари давлат секторидида 10929.9 нафари ёки 80,7 фоизи нодавлат секторда банд (1-жадвал). Бу маълумотлар нодавлат секторга, хусусан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка малакали, ҳар томонлама етук, профессионал кадрларни етказиб беришни устувор вазифага айлантиради.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш масаласи уларни меҳнат фаолияти билан бандлигини таъминлашда акс этади. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун уларни касб-хунарга ўқитиш, бугунги куннинг энг керакли касбларини эгаллашларига кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади. Қандай касбларни ўргатишни ташкил этиш, аҳолини касбий профессионаллик даражасини аниқлашнинг қандай мезонлари бор эканлигини билиш учун касбий меҳнат фаолияти тушунчасини таҳлил этамиз.

Меҳнат инсон фаолиятининг асосий тури ҳисобланади, у инсоннинг жисмоний ва маънавий салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бир гуруҳ олимлар меҳнатни касбий ва касбий бўлмаган меҳнат фаолияти турларига ажратиб кўрсатишган. Ушбу тушунчаларни касб тушунчаси ўзаро ажратиб туради. Инсон тараққиёти давомида турли хил касблар пайдо бўлган ва ушбу касбларни бажариш учун инсон маълум бир кўникма ва билимга эга бўлиши ва ана шу касбнинг фазилатларига эга бўлиш талаб этилади. Касб бу шахснинг бир хил турдаги иш билан шуғулланиши ва одамларнинг маълум бир тоифасига мансуб эканлигини кўрсатадиган хусусиятдир. Касб сўзи латин тилидан олинган бўлиб, “омма олдида гапириш, эълон қилиш” каби маъноларни англатади. Касб сўзининг иккинчи маъноси эса маълум бир шахсга хос бўлган билим, кўникма ва малакалар тизими[4]да намоён бўлади. Мисол учун: шифокор, чилангар, иқтисодчи, адвокат, прокурор. Бу каби меҳнат фаолиятини юритиш учун маълум бир тизимлаштирилган билим ва кўникмаларни эгаллаш талаб этилади.



1-чизма Меҳнат фаолиятининг туркумланиши

Касбий бўлмаган меҳнат фаолияти деб тайёргарликсиз ёки қисқа тайёргарликдан сўнг бажарилиши мумкин бўлган ҳар қандай соғлом инсон амалга ошира оладиган ишларни келтириш мумкин. Мисол учун ота-она ўз фарзандига ғамхўрлик қилиши касбий фаолият эмас, лекин, ўқитувчининг ўқувчиларни камол топиши учун ғамхўрлик қилиши касбий фаолиятдир.

Меҳнат фаолияти касбий деб ҳисобланиши учун иккита шарт бажарилиши лозим. Биринчидан, касб маълум даражадаги малака, маҳорат, кўникма, касбий тайёргарлик талаб этиши лозим. Одатда бундай сифатлар диплом, сертификат, аттестатлар билан тасдиқланган махсус олинган билим ва кўникмалар мавжудлиги билан тавсифланади. Иккинчидан, касб - бу инсон меҳнат бозорида сотиши мумкин бўлган товар тури ва бошқа одамлар тўлашга тайёр бўлган талабга эга бўлган товарлар. Яъни, касбий фаолият даромад манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, касбий меҳнат фаолиятини ўрганиш аҳоли турмуш даражасини ошириш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш учун муҳимдир. Бугунги кундаги замонавий касбларни ўқитишни ташкил этиш орқалигина замон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош, жаҳон бозорида ривожланган мамлакатлар меҳнат ресурслари билан кураша оладиган кадрларни тайёрлашга эришиш мумкин.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <https://lex.uz/docs/6179326>
2. <https://lex.uz/docs/3211749>

3. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>

<https://melimde.com/tema-professionalenaya-kuletura-i-professionalenij-yazik.html?page=5>